



СУВ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ИФЛОСЛАНИШИНИНГ АҲАМИЯТИ.

Шерқўзиева Г.Ф., Ахмадалиева Н.О.

Тошкент тиббиёт академияси

Марказий Осиё минтақасидаги давлатларни сув билан таъминлаш муаммоси –замонамизнинг ўта муҳим ва долзарб муаммоларидан биридир. Мазкур муаммо ўз навбатида қатор бўлимларга бўлиниб, унинг асосий таркибий қисм бўлиб, аҳолини маиший в хўжалик мақсадлари ва минтақадаги халқ ҳамда қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш тармоқларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш; ушбу вазифаларни ҳал этиш жараёнида юзага келадиган экологик муаммоларни ечиш ҳисобланади. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Марказий Осиёнинг кўплаб ҳудудларида кўчманчи чорвадорларни сезиларли катта қисмини турғун ҳолда яшашга ўтиши билан боғлиқ ҳолда сув таъминоти муаммоси сезиларли даражада ўткирлашди, Биринчидан, янги техник имкониятлар жойнинг рельефи ва бошқа сабаблар туфайли илгари имконсиз бўлган сув манбаларидан фойдаланиш имконини берди. Натижада дарёдан сув олиш кўп қарра ўсди. Бу эса олдин “бўш ётган” ер майдонларини жадал сурьтда ўзлаштиришни бошлашга имкон берди. Иккинчидан, суғориладиган ер майдонларининг ўсиши билан бир вақтда пахта етиштиришга мўлжалланган ер майдонларини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган тузилмавий ўзгаришлар юзага келди. Бунда пахтачилик саноати –энг кўп намлик талаб этадиган қишлоқ хўжалик экини ҳисобланади ва у кўп марта суғоришни талаб этади. Ирригацион тизимларни яратиш бўйича техник имкониятларни ўлчовсиз ўсиб боришига қарамасдан, ушбу тизимларнинг ўзи эскирган технологиялар асосида ҳосил қилинди. Ўтган асрнинг 50-йилларида фильтрация учун дарёлардан олинадиган сувнинг 50% сарфланса, 60 - йилларга келиб, магистрал каналларни яратишда бетон плиталардан фойдаланиш имконияти туғилди, бу эса фильтрация даражасини пасайтиришга имкон берди. Мазкур омиллар биргаликда сувнинг экологик муаммоси деб номланувчи янги йўналишни шаклланишига, шунингдек хўжалик айланмасига жалб этилиши мумкин бўлган сув захираларини амалий жиҳатдан камайтириб кетишига олиб келди. Шу сабабли Ўзбекистонда муаммони ҳал этишда кучли қонунчилик яратилган, хусусан “Сув ва сувдан фойдаланиш” тўғрисидаги қонун мавжуд. Қонуннинг 11 модда: Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ва ишга тушириш шартларида қуйидагилар белгилаб қўйилган: Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ва ишга туширишда, янги технологик жараёнларни жорий этишда аҳолининг оғлиғини сақлаш ва ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини ҳамда маиший эҳтиёжларини биринчи навбатда қондириш

талабларига риоя этган ҳолда сувдан оқилонга фойдаланиш, шунингдек коллектор-дренаж сувларини ва оқинди сувларни чиқариб юборишнинг қулай режими таъминланиши лозим. Бунда сув объектларидан олинадиган ва шу объектларга қайтариладиган сувни ҳисобга олишни, сувларни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлашни, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олишни, ерларнинг сув босишини имкон қадар камайитишни, ерларни шўрланишдан, зах босишдан ёки қакраб қолишдан муҳофаза қилишни, шунингдек қулай табиий шароитлар ва ландшафтларни сақлаб қолишни таъминловчи тадбирлар назарда тутилади.56 модда:Сув объектларидан саноат мақсадларида ва иссиқлик энергетикаси эҳтиёжлари учун фойдаланувчи сув истеъмолчиларининг мажбуриятлари кўрсатиб қуйилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз сув объектларининг ифлосланиш ҳолатини текширдик. Лаборатория таҳлил натижаларида қуйидагилар ўрнатилди:2015 йил умумий олинган намуналар сони 90 та бўлиб,улардан 36 таси (40%) гигиеник талабларга жавоб бемаган. Олинган натижаларни сув объеклари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, Қичқуруқ сув объектидан азот аммиак- 15 та (16,6%), КБКЭ -4та (4,4%) ,оргонолептик кўрсаткичлари бўйича эса- 2 та (2,2%) намуна, Калковус сув объектида эса азот аммиакка -10 та (11,1%), КБКЭ -7та (7,7%) , КББЭ-1 та (1,1%) намуна гигиеник талабларга жавоб бермаган. Ушбу кузатув йилида очик сув ҳавзалари сувининг сифат кўрсаткичлар энг кўп азот аммиак бўйича Қичқуруқ ва Калковус сув объектларида бошқа кўрсаткичларга нисбатан гигиеник талабларга жавоб бермаган. 2016 йил умумий олинган намуналар сони - 90 та бўлиб, улардан -30 таси (33,3%) меъёрларга тўғри келмаган, яъни Қичқуруқ сув объектидан азот аммиак- 10 та (11,1%), Калковус сув объектида эса азот аммиакка -4 та(4,4%), Қора қамиш сув объектидан эса азот аммиакка -14 та (15,5%), КБКЭ -7та (7,7%) , КББЭ-5 та (5,5%) намуналар гигиеник талабларга жавоб бермаган. 2017 йил умумий олинган намуналар -90 та бўлиб, улардан -42 таси (46,6%) меъёрларга тўғри келмаган, яъни Қичқуруқ сув объектидан азот аммиак- 11 та (12,2%), Калковус сув объектида эса азот аммиакка -15 та (16,6%), Қора қамиш сув объектидан эса азот аммиакка олинган барча намуналар гигиеник талабларга жавоб бермаган. 2016-2017 йилларда ҳам азот аммиак бошқа кўрсаткичларга нисбатан санитария меъёрларга мос келмаган хусусан 2016 йилда 15,5% ,2017 йилда эса 16.6% ни ташкил этди.

Юқорида олинган натижалардан шуни хулоса қилиш мумкин, сувдан фойдаланиш жойларидаги сувнинг санитар кимёвий таҳлил натижалари бўйича кўпгина намуналар гигиеник талабларга жавоб бермаган,айниқса азот аммиак кўрсаткичи бўйича, бу эса сув объектларни санитария муҳофазалашда илмий асосланган чора тадбирларни қўллаш ва аҳоли ўртасида сув объектларига боғлиқ касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Шеркузиева, Г. Ф., Саломова, Ф. И., & Юлдашева, Ф. У. (2023). Результаты санитарно-химических исследований воды.

2. Шеркузиева, Г. Ф., Хегай, Л. Н., Самигова, Н. Р., Азизова, Ф. Л., & Курбанова, Ш. И. (2020). Результаты изучения острой токсичности пищевой смеси "Мелла Крассан". *Журнал//Вестник*, (1), 188-189.
3. Salomova, F. I., Ahmadaliev, N. O., Sadullaeva, K. A., Sherkuzieva, G. F., Yarmukhamedova, N. F., & Nurmatov, B. Q. (2022). Dust storm and atmosphere air pollution in Uzbekistan. *Central Asian Journal of Medicine*, (2), 36-51.
4. Sherkuzieva, G. F., Turakhonova, F. M., & Mustanov, J. A. (2017). Results of laboratory research of the quality of drinking water.
5. Шеркузиева, Г. Ф., & Касимова, Х. Т. (2017). Токсичность биологически активной добавки "Laktonorm-H (K Kaliy)" в условиях хронического эксперимента. *Молодой ученый*, (1-2), 10-12.
6. Ахмадалиева, Н. О., Шарипова, С. А., & Юлдашева, Н. Г. (2016). Проблема организации рационального питания детей дошкольного возраста. *Молодой ученый*, (12), 476-478.
7. FI, S., NO, A., SA, S., GO, T., NF, Y., & MR, M. (2020). Psychoemotional State of the Universities' Teaching Staff in Uzbekistan. *Indian Journal of Forensic Medicine & Toxicology*, 14(4).
8. Akhmadaliev, N., Nigmatullaeva, D., Kamilov, A., Hakimova, D., & Salomova, F. (2020). Comparative self-assessment of the teachers' health of higher education institutions of the republic of Uzbekistan. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(5), 1353-1355.
9. Саломова, Ф. И., Садуллаева, Х. А., & Самигова, Н. Р. (2022). Загрязнение атмосферы соединениями азота как этиологический фактор развития СС заболеваний г. ОО" TIBBIYOT NASHRIYOTI MATBA'A UYT.
10. Ахмадалиева, Н. О., Саломова, Ф. И., Садуллаева, Х. А., Шарипова, С. А., & Хабибуллаев, С. Ш. (2021). Заболеваемость преподавательского состава ВУЗа технического профиля. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 860-871.
11. Халилова, Л. И., Комиссарчик, К. М., & Иващенко, В. П. (2022). Факторы, формирующие здоровье студентов медицинского вуза. In *ФИЗИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ, СПОРТ, ФИЗИЧЕСКАЯ РЕАБИЛИТАЦИЯ И РЕКРЕАЦИЯ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 110-114).
12. Salomova, F. I., Ahmadaliev, N. O., Sadullaeva, K. A., Sherkuzieva, G. F., Yarmukhamedova, N. F., & Nurmatov, B. Q. (2022). Dust storm and atmosphere air pollution in Uzbekistan. *Central Asian Journal of Medicine*, (2), 36-51.
13. Ахмадалиева, Н. О. (2009). Возможности повышения защитных свойств организма на основе факторов питания. *Вестник Санкт-Петербургской государственной медицинской академии им. ИИ Мечникова*, (1), 43-46.
14. Imamova, A. O., Ahmadaliev, N. O., & Bobomurotov, T. A. (2022). Health states of children and ways to optimize the formation of the principles of a healthy lifestyle. *Eurasian Medical Research Periodical*, 8, 125-128.
15. Ниязова, О. А., Ахмадалиева, Н. О., Валиулин, Р. И., & Болтаев, М. М. (2022). Comparative assessment of nutrition of university students of medical and non-medical profile (Doctoral dissertation, European multidisciplinary journal of modern science).

16. Akhmadaliev, N. O., Salomova, F. I., Sadullaeva, K. A., Abdukadirova, L. K., Toshmatova, G. A., & Otajonov, I. O. (2021). Health state of teaching staff of different universities in the Republic of Uzbekistan.
17. Salomova, F. I., Akhmadaliev, N. O., Sharipova, S. A., & Abdukadirova, L. K. (2019). Social Portrait, Conditions, Lifestyle and Health of Universities Professors of The Republic of Uzbekistan in Modern Conditions. *Central Asian Journal of Medicine*, 2019(3), 93-103.
18. Ассесорова, Ю. Ю., Ахмадалиева, Н. О., & Ибрагимов, Ф. А. (2010). Возможность иммунокоррекции в лечении и профилактике злокачественных новообразований. *International Journal On Immunorehabilitation*, 12(2), 164с-165.
19. Жалолов, Н. Н., Нуриддинова, З. И., Кобилжонова, Ш. Р., & Имамова, А. О. (2022). *Главные факторы развития избыточного веса и ожирения у детей* (Doctoral dissertation, Doctoral dissertation, O 'zbekiston Respublikasi Sog 'liqni Saqlash vazirligi, Toshkent tibbiyot akademiyasi, Koryo universiteti "Atrof muhit muhofazasining dolzarb muammolari va inson salomatligi" xalqaro ishtirok bilan Respublika 9-ilmiy-amaliy anjumani materiallari to 'plami 153 bet).
20. Кобилжонова, Ш. Р., Жалолов, Н. Н., & Журабоев, М. Т. (2022). Тугри овкатланиш спортчилар юкори натижалари гарови.
21. Зокирхўжаев, Ш. Я., Рустамова, М. Т., Паттахова, М. Х., Жалолов, Н. Н., & Муталов, С. Б. (2023). Сурункали жигар касалликларида соғлом овқатланишнинг аҳамияти.
22. Рахимов, Б. Б., Саломова, Ф. И., Жалолов, Н. Н., Султонов, Э. Ю., & Облакулов, А. Г. (2023). Оценка качества атмосферного воздуха в городе навои, республика Узбекистан: проблемы и решения. In *Сборник трудов по материалам Международной научно-практической конференции*.
23. Зокирходжаев, Ш. Я., Жалолов, Н. Н., Ибрагимова, М. М., & Махмудова, И. А. (2019). Сурункали гепатитлар парҳезтерапиясида маҳаллий дуккакли махсулотларни қўллаш.
24. Kobiljonova, S. R., Jalolov, N. N., Sharipova, S. A., & Tashmatova, G. A. (2023). Clinical and morphological features of gastroduodenitis in children with saline diathesis. *American Journal of Pedagogical and Educational Research*, 10, 35-41.
25. Зокирхўжаев, Ш. Я., Рустамова, М. Т., Паттахова, М. Х., Нарзиев, Н. М., Жалолов, Н. Н., & Муталов, С. Б. (2023). Коронавирус инфекцияси ва жигар зарарланиши.